

Туркиялик профессор, доктор Сердар Демирел «Nilol Nashr» нашриётига ташриф буюрди



15:59 / 10.04.2025 1103

Бугун, 10 апрель куні туркиялик олим, Ибн Ҳалдун Университетининг исломий фанлар кафедраси ўқитувчиси, профессор, доктор Сердар Демирел юртимизга ташриф буюрди. Меҳмонлар дастлаб, «Nilol Nashr» нашриёт-матбаасининг бош дўконини зиёрат қилди. Азиз меҳмонларни нашриёт раҳбари, устоз Исмоил Муҳаммад Содик самимият билан кутиб олдилар. Меҳмон нашриёт бош дўконидаги диний-маърифий асарларни, китобларни кўздан кечириб, фазилатли шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф ҳазратларининг илмий мерослари билан яқиндан танишиб чиқди, шайх ҳазратларининг ҳаёт йўллари, илмий мерослари ҳақида маълумотларга эга бўлди.



Сўнгра Islom.uz порталининг иш фаолияти ва Hilol Media маркази, хусусан, тасвирга олиш майдончаси, овоз ёзиш студияси ҳамда бошқа жараёнларни кўздан кечирди.





Доктор Сердар Демирел зиёратлари давомида давлатимиз раҳбарининг саъй-ҳаракатларини юқори баҳолаб, сиёсий, ижтимоий ва диний-маърифий соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотлар нафақат мамлакатимизда, балки бутун минтақа ва жаҳон миқёсида ҳам эътироф этилаётганини алоҳида таъкидлади. У мамлакатимизда амалга оширилаётган хайрли ислоҳотлар бардавом ва самарали бўлишини чин дилдан тилар экан, юртбошимизга самимий эҳтиромини изҳор этди.